

КОВИД-19 ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ОГРИГАН БЕМОРЛАРНИНГ ЮЗ-ЖАГ СОХАСИДА ВА ОГИЗ БУШЛИГИ ШИЛЛИК КАВАТЛАРИДА КЕЧАДИГАН ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ АСОРАТЛАРИ.

Ибрагимов Д.Д.¹

Гаффаров У.Б.²

Рахмонова Б.К.³

**1-2-3Самарканд Давлат Тиббиёт Инститuti. Самарканд. Ўзбекистон.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7238233>**

Долзарблиги: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тамонидан КОВИД-19 коронавирус тарқалишини 2020 - йил март ойидан бошлаб бутун жаҳонда пандемия босқичига етди деб эълон қилинди, вирус барча қитъаларни киска фурсатларда қамраб олди. Бу ҳақида ташкилот бош директори Тедрос Гебрейесус эълон қилди. У бу ҳақида: "КОВИД-19 - коронавирус инфекцияси билан боғлиқ ҳозирги ҳолатни - пандемия деб аташ мумкин деган хулосага келдик" дея такидлади. Пандемия - бутун дунёда бир неча мамлакатларни қамраб олган ва минглаб кишиларга юққан оммавий касаллик тарқалишидир (эпидемия). Касалхоналарда минглаб одамлар ўз ҳаётлари учун курашмоқдалар. ЖССТ куну тун вазиятни баҳоламоқдалар. Бутун дунёни вируснинг тез тарқалиши ташвишлантирмоқда.

КОВИД-19 Корона вируслар (Betacoronavirus лар тури) — асосан қушлар, мушук, ит, йирик шохли ҳайвон ва чўчқалар касалланиб, касаллик чиқарувчиси РНК сақловчи вируслар оиласи бўлиб, 2020 - йил ҳолатида уларнинг 40 тури тафовут қилинади. Kovid-19 пайдо бўлган дақиқалардан бошлаб, юқумли касалликлар бўлими, респиратор тиббиёт, реанимация ва интенсив терапия, тиббий лаборатория, радиология, ультратовуш диагностикаси, фармацевтика, анъанавий хитой халқ табobati, психология, респиратор терапия, реабилитация, диетология, ҳамширалик иши ва бошқа тиббиёт тармоқлари шифокорларидан иборат бўлган экспертлар гуруҳи тузилди. Шифокорлар ташхис ва даволаш учун, изоляторлардан ва ундан ташқарида бўлган вазиятларида ҳам беморларнинг ҳолатларини муҳокама қила олиш ва маслаҳат бериш имконини берадиган, видеоконференциялар форматидаги тармоқлараро комплекс механизми яратилди. Бу имкониятлар шифокорларга ҳар бир беморга оғир ва ўта оғир ҳолатларда ҳам комплекс ва индивидуал стратегияларни қўллаб, офлайн хулосалар беришнинг афзаллиги даволашда муолажаларнинг имкониятларини кенгайтирди. Шунга

қарамасдан COVID-19 ни енгил формасини бошидан ўтказган беморлар карантин қоидаларига риоя қилмаслиги оқибатида турли кўринишдаги касалликнинг асоратлари оқибатида вафот этган ҳолатлар қайд қилинди. Булардан юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарида қон айланишининг ўткир бузилиши оқибатида бош мия асоратлари кузатилди. Пандемия даврида юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари ва оғиз шиллиқ қаватида касалликнинг асорати сифатида қон айланишни ўткир бузилиши, невралгик оғриқлар билан беморлар муроажатлари қайд қилинди.

Текширувнинг мақсади: COVID-19 инфекцияси билан оғриган беморларнинг юз-жағ соҳасида ва оғиз бушлиғи шиллиқ қаватларида кечадиган жараёнларни таҳлил қилиш ва уларнинг асоратларини ўрганиш.

Материал ва методлар: COVID-19 инфекцияси билан оғриган беморлар, махсус ихтисослаштирилган касалхоналарда даволанган беморлар орасидан: 2020-йил давомида юз-жағ хирургларининг кузатувида олинган 26 та беморларнинг юз-жағ соҳаси ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватларида кузатилган турли хил патологик ўзгаришлар ўрганилди. Касаллик туфайли асорат сифатида юз веналарининг тромбофлебити, тромбози унинг оқибатида юмшоқ тўқималар соҳасида тарқоқ ишемия, кўз ости, бурун қаноти, лунж, териси ва шиллиқ қаватларида некроз жараёни кузатилди.

Текширув натижалари: Барча муроажат қилган беморларда касалликнинг дастлабки даврида бир неча топ мутахассислар кўриги ва интенсив даволаш ишлари олиб борилди. Кузатувдаги беморларнинг 14 таси (53,8 %) да ўнг ва чап кўз ости, юқори лаб, лунж, териси ва шиллиқ қаватларда турли даражадаги қон айланишини бузилиши оқибатида ишемия ва чегараланган некротик жараёнлар кузатилди. Шулардан 4 та (28,5%) беморда бурун қаноти ва юқори лаб терисида некроз кучиши оқибатида дефект пайдо булди. Муроажат қилган 26 та беморнинг 5 таси(19,2%) да бош мия ғорсимон синус тромбози ҳолати оқибатида ўлим ҳолати кузатилди.

Хулоса: COVID-19 инфекцияси билан оғриган ва тузалган беморларнинг касаллигини кечги даврида юз-жағ соҳасида ва оғиз бушлиғи шиллиқ қаватларида қон билан таминланиши ва метаболитик жараёнларининг бузилиши оқибатида шу соҳанинг шиллиқ қават ва юмшоқ туқималарида ишемия, некроз жараёнларини юзага келишига олиб келади. Касалликни дастлабки босқичларида мутахассисларга

мурожат қилинганда касалликни асоратсиз тузалиши ва юз-жағ соҳаси тўқималарида деформациялар ва дефектлар бўлишини олди олинади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Временные методические рекомендации. “Профилактика, диагностика и лечение новой коронавирусной инфекции (COVID-19)” Версия 7 (03.06.2020г)
2. Национальный центр иммунизации и респираторных заболеваний (NCIRD), Отдел вирусных заболеваний; “Обзор нового коронавируса 2019 года (2019-nCoV)”. 1 феврал 2020 й
3. Оксана Калънина “Коронавирус. Инструкция по выживанию” 2020.
4. Сугралиев А.Б. “Тромбо-воспалительный синдром при COVID-19. Место и роль антикоагулянтной терапии в лечении COVID-19”. Ж.Медицина (Алматы)- 2020 г.]
5. Laboratory testing for 2019 novel coronavirus (2019-nCoV) in suspected human cases Interim guidance 17 January 2020.